



MEASURES FOR THE PROTECTION OF THE FAUNA OF UZBEKISTAN

N. Z. Arabova

Tashkent State Agrarian University

G. Chorieva

Tashkent State Agrarian University

Annotation

This article is devoted to the national and international practical measures for the fauna of Uzbekistan and its current state, the species listed in the Red Book of Uzbekistan and their protection

Keywords. Fauna, protected species, biodiversity, state reserves.

Аннотация

Ушбу мақола Ўзбекистон фаунаси ва унинг ҳозирги ҳолати, Қизил китобга киритилган турлар ва уларни муҳофаза қилиш тўғрисида республика ва халқаро миқёсида олиб борилаётган амалий чора тадбирларга бағишланади.

Таянч сўзлар. Фауна, муҳофазага олинган турлар, биохилма-хиллик, давлат кўриқхоналари.

Кириш. Ўзбекистон табиий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жуда катта республика бўлиб, табиатининг ўзига хос флора ва фаунаси билан ажралиб туради. Республикамининг табиий ресурслари ва табиати, шу жумладан фаунамининг муҳофаза қилиш бўйича бир қанча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, ҳозирги кунгача амалда ўз аксини топмоқда. Ўзбекистон Республикаси табиатининг биологияси ва ландшафтларининг хилма-хиллиги миллий бойлигимизнинг ажралмас, мукамал, яхлит ва табиий қисми ҳисобланади. Табиатнинг бу инъоми бир неча минг йиллик эволюция давомида юзага келган бўлиб, аждодларимиз томонидан бизга қолдирилган улкан меросдир. Ихтиёримиздаги бу муқаддас меросни юрт фаровонлиги, жамият тараққиёти, келажак авлод бахту-саодати йўлида эҳтиёт қилиш, асраш ва авайлаш, шунингдек, Ватанимиз ва Она заманимизнинг хилма-хил флора ва



фаунасини барқарор экологик тизимда сақлаш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиз ҳисобланади.

Асосий қисм. Республикамиз фаунаси 97 турдаги ўтхўр ҳайвонлар, 424 турдаги қушлар, 58 турдаги судралиб юривчилар ва 83 балиқ турларига эга. Улардан Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига ўтхўр ҳайвонларнинг 24 тури, қушларнинг 48 тури, судралиб юривчиларнинг 10 тури, балиқларнинг 18 тури, 78 турдаги умуртқасизлар киритилган.

Жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам ер юзининг флораси ва фаунаси таркибидаги ноёб ҳамда йўқолиб бораётган турларни муҳофаза қилиш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган. Шу жумладан, дунёдаги йўқ бўлиб кетаётган ҳайвон турларига бағишланган дастлабки махсус китоблар 1945 йилдан нашр қилина бошлаган. Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи илк бор 1948 йилда ташкил этилган бўлиб, унинг фаолияти натижасида Глобал Қизил китобни ҳамда камёб, йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги ҳайвон турлари рўйхатини тузиш ва юритиш ғояси амалга оша бошлаган. 1966 йилдан бошлаб Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг Турларни сақлаб қолиш комиссияси ҳамда бошқа табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликда халқаро Қизил китобининг дунёвий ва минтақавий фауналарга мансуб ҳайвонларни турли систематик гуруҳларига бағишланган алоҳида нашрлари (Балиқлар, Амфибия ва судралиб юривчилар, Қушлар, Америка ва Австралия сутэмизувчилари ва ҳоказо) чоп этила бошланди.

Тазйикқа таъсирчан турлар ёки ҳайвонлар гуруҳлари тўғрисидаги батафсилроқ маълумотлар 1986 йилдан бошлаб “Биологик хилма-хилликни муҳофаза қилиш бўйича Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг Турларни сақлаб қолиш комиссиясининг ҳаракат режалари” номи билан махсус китоблар сериясида нашр қилиниб келинмоқда. Шу вақтгача бу китобларнинг 40га яқини нашр қилинди. Шулар орасида қушлардан Қирғовуллар, Турналар ва бошқаларга бағишланганлари мавжуд. Ушбу нашрлар тазйикқа таъсирчан турларни сақлаб қолиш бўйича халқаро Режа ҳамдир.

Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи томонидан 1963-1996 йилларда нашр қилинган “Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги



хайвонларнинг Қизил рўйхатлари”, ҳамда 2003 йилда нашр қилинган “Йўқ бўлиб кетиш хавфи остидаги турлар Қизил рўйхати” муҳим амалий аҳамиятга эга бўлди. Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқининг ушбу Қизил рўйхатлари ҳайвонлар турлари, кенжа турлари ва популяциялари ёввойи табиатда йўқ бўлиб кетиш хавфи тоифалари бўйича тақсимланган мунтазам равишда янгиланиб турувчи глобал каталог шаклида тузилган. Жаҳон фаунасининг халқаро Қизил рўйхатларга (2003) асосланган таҳлили шуни кўрсатадики, кейинги тўрт юз йил давомида қушларнинг 129 тури ер юзидан бутунлай йўқ бўлиб кетди. Бугунги кунда қушларнинг 1192 тури йўқ бўлиб кетиш хавфи остида турибди.

Дастлабки халқаро Қизил китобларнинг чиқиши миллий ва минтақавий Қизил китоб ва Қизил рўйхатларнинг яратилиши учун кучли тўртки бўлди. Ўзбекистоннинг биринчи Қизил китоби 1983 йилда нашр қилинган бўлиб, унга умуртқали ҳайвонларнинг 63 тури киритилган эди. Кейингиси 1994 йилда чиқарилган бўлиб, унда ҳимояга муҳтож 113 турлар киритилган. 2001 йилда янги Қизил китоб тузилди, унга 184 турдаги ҳайвонлар киритилиб, аввалгисидан 71та ҳайвонлар турига кўпайди. Фанлар Академиясининг Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институти фаолият юритган вақтда юртимиз фаунасининг шу кундаги аҳволини ва кўпгина ҳайвонлар турлари мақомини баҳолашга имкон берувчи жуда бой маълумотлар тўпланган.

2003 ва 2007 йилларда нашрдан чиққан Қизил китобга қушларнинг 48 тури (кенжа турлар билан 51) киритилди. Шу билан биргаликда 1983 йилда нашр этилган “Қизил китоб”да келтирилган қушларнинг баъзи турлари ушбу нашрга киритилмади. Улардан баъзиларининг сони ҳозирда республика ҳудудида барқарорлашган бўлса (қум чумчуғи), баъзилари эса тасодифий муҳожир (кичик оққуш) деб ҳисобланди. Бундан ташқари китобда Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи Қизил рўйхатига (2000) киритилган, аммо Ўзбекистон Республикасида йўқ бўлиб кетиш хавфи остида бўлмаган ҳайвонлар рўйхати ҳам келтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган “Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳаракатлар режаси ва стратегияси тўғрисида”ги (№139, 01.04.1998 й.) қарори Ўзбекистон ва Марказий Осиё биохилма- хиллигини намоён этувчи ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги турларни сақлаш ва кўпайтириш,



уларни табиий шароитларга реинтродукция қилиш, илмий изланишлар учун уларни сақлаш йўллари ва келажакда улардан барқарор фойдаланиш мақсадларни ўз ичига олади. Бундан ташқари Ўзбекистон томонидан республикада биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича бир қатор Халқаро Конвенциялар ва Келишувлар имзоланган. Бунинг натижаси сифатида Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги Конвенция доирасида катта ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, кўчиб юрадиган ҳайвонларни сақлаб қолиш бўйича конвенция доирасидаги келишувлар бўйича ишлар муваффақиятли олиб борилмоқда (Бонн келишуви). Йўқолиб бораётган тур-Сибир турнаси-стерхни сақлаб қолиш бўйича Келишув, Афро-ЕвроОсиё учиб юрувчи сувботқоқ қушларини муҳофаза қилиш бўйича Келишув (АЕWA) айрим қуш турларини ҳимояга олинишига ҳамда улар сонини барқарорлашишига имконият яратиб берди. Бундан ташқари халқаро аҳамиятга эга бўлган, асосан сувда яшовчи қушлар яшаш жойи ҳисобланган сув-ботқоқли ерлар тўғрисидаги Халқаро Конвенция доирасида катта ишлар бажарилган (Рамсар Келишуви). Мана шу Конвенция доирасида Бухоро вилояти Денгизкўл кўлида учиб юрувчи ва ин курувчи қушлар кўп тўпланадиган ва сувда яшовчи қушлар энг оммавий қишлаш ерлари сифатида халқаро рўйхатга киритилди. Бироқ Денгизкўл кўлида сув оқиб келишини камайиши сабабли сув сатҳи пасайиб унинг минераллашуви ортиб бораётганига эътиборни қаратиш керак. Бу бутун биологик комплекснинг нобуд бўлишига олиб келади.

Фауна ва флоранинг табиий яшаш жойларини сақлашнинг бош услубларидан бири муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар: давлат кўриқхоналар, буюртмахоналар, миллий табиий боғларни ташкиллаштиришдир. Халқаро талаблар бўйича муҳофазага олинган ҳудудлар биохилма-хилликни сақлашни ва муҳим ҳаётий экологик жараёнларни таъминловчи ҳудудлар мамлакатнинг 10% га яқин ҳудудини қамраган бўлиши керак.

Ўзбекистонда ҳуқуқий мақомни олган ташкилий ҳудудлар 40 дан ортиқ бўлиб, шуларнинг 9 таси давлат кўриқхоналари, 2 таси миллий боғлар, 5 таси давлат табиат ёдгорлиги, 12 таси буюртмахоналар, 1 таси ҳайвонларни ноёб турларини кўрайтириш питомниги, ҳамда махсус сув ресурсларини муҳофаза қилиш зоналари, жумладан сув зонасини - беш дарё қирғоқларини муҳофаза қилиш, 11таси чучук ер ости сувлари зоналари ҳисобланади. Муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудларнинг умумий майдони 254779,602 км² (мамлакат



худудининг 5,74%), куриқхоналар майдони 2081,76 км² (0,47%); доимий барқарор бошқариладиган табиий худудларни муҳофаза (қўриқхоналар ва миллий боғлар, Халқаро табиатни ва табиий ресурсларни муҳофаза қилишнинг I ва II мезонлари бўйича) майдони - 8068,76 км² (1,8%)ни ташкил қилади. Кейинги ўн йилда Ўзбекистонда табиий худудларни муҳофаза қилиш худудлари майдони 15045,1 км² га ўсган ёки мамлакат худудининг 3,35% ташкил этади.

Ўзбекистонда Маданият ва Спорт Вазирлиги ихтиёридаги иккита ҳайвонот боғи (Тошкент ва Термизда) бор. Тошкент ҳайвонот боғининг (1924 йилдан бери фаолият юритади) асосий йўналиши – ноёб ва йўқолиб кетаётган ҳайвон турларининг тирик коллекцияларини яратиш, уларни суъний кўпайтириш ҳамда республика ҳайвонот оламини муҳофаза қилишни тарғибот қилишдан иборат. Ҳозирги пайтда Тошкент ҳайвонот боғининг коллекцияси 124 ҳайвон туридан ташкил топгандир. Тошкент ва Термиз ҳайвонот боғларида, Тошкент ботаника боғида ва “Жайрон” Экомарказида экскурсия хизматлари кўрсатиш йўли билан жамоатчилик орасида маъориф ва таълимни ривожлантириш бўйича махсус иш дастури ишлаб чиқилган.

Ўзбекистонда 1991 йилдан буён Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси Бионазорат бўлимида ноёб турларни кўпайтириш бўйича махсус питомник “ТИН” базасида 100дан ортиқ итолғи кўпайтирилган. Фақат 1997-1998 йилларда 50 яқин ёш итолғилар етиштирилган.

Мавжуд коллекцияларини, йўқолиб кетиш хавфи остидаги ўсимлик ва ҳайвон турларини сақлаш, уларни мақомини янгилаш қўйидаги асосий ҳужжатларда ўз аксини топган: «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида» ЎзР Қонуни (9.12.1992й., №754-ХII) (ўзгартишлар билан), “Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисида” (22.09.1994 й., № 2015- XII Олий Мажлис Қарори билан тасдиқланган), «Ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» (ўзгартишлар билан) (ЎзР Вазирлар Маҳкамаси Қарори 15.04.1999 й., № 770-I), «Ўзбекистон Республикаси Қизил китоби тўғрисида» (ЎзР Вазирлар Маҳкамаси Қарори, 28.10.2004 й., №508), «Ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар муҳофазасини кучайтириш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш чоралари тўғрисида» (1996), «Давлат кадастрлари тўғрисида» (2000) қабул қилинган қонунларни мисолида кўриш мумкин.



Иқтисодий, маъмурий ва ҳуқуқий тизимлар тадбирлари ҳам глобал вазифаларни маҳаллий даражада бажарилишини таъминламоқда. Бундан ташқари фаунамизни ҳозирги аҳволида сақлаш ва янада яхшилаш учун янги имконият эшикларини очиб бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. «Биохилма-хилликни сақлаш ва ривожлантириш»//Республика онлайн илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. -Гулистон, 2020 йил 17-18 апрель. -Б.4.
2. Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида Миллий маъруза (2002-2004 йиллар). –Тошкент, 2006.
3. Кадастровый справочник охотничье – промысловых животных Узбекистана. – Ташкент: изд., «ФАН», 1992 г.
4. Красная книга Республики Узбекистан: «Редкие и исчезающие виды растений и животных»: (в 2-х томах): Т. 2. Животные., под редакцией Ж.А. Азимова., Ташкент Chinor ENK 2003 г.
5. Лановенко Е.Н., Тен А. «Анализ численности и добычи некоторых охотничье – промысловых птиц Узбекистана» (1993-2003 г.). /Экология позвоночных животных хребта Нуратау., «ФАН», 1970 г., /Биоразнообразие Узбекистана – мониторинг и использование – Ташкент 2007 г.